

## ШАРТНОМА № 1

« 17 » январ 2022 йил

Янгибозор тумани.

«Кувондик Севара» ш/к бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан рахбари К.Давлатмуратов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Янгибозор туман Мактабгача таълим булимн бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан рахбари С.Реймова фаолиятини курсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради. «Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2

| № | Махсулот тури | Ул.бир. | Микдори | Нархи | Умумий киймати |
|---|---------------|---------|---------|-------|----------------|
| 1 | нон 500гр     | шт      | 2100    | 1500  | 3150000        |
|   | <b>Жами</b>   |         |         |       | 3150000        |
|   |               |         |         |       |                |

### 2. Шартнома нархи, бахоси, суммаси (киймати)

2.1 Шартноманинг умумий киймати 3150000 ( уч миллион бир юз эллик минг ) сумни ташкил килади.

### 3. Тулов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг хисоб-ракамига шартномада курсатилган махсулот микдори суммасининг 30 фоизини шартнома Ғазначиликда рўйхатга олингандан кейин олдиндан утказишни, колган 70 фоизини махсулотни тулик олгандан сунг 15 календар куни ичида тулашни уз зиммасига олади.

3.2 Тулов тури тулов топширикномаси оркали пул утказиш йули билан.

### 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1 Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган махсулот «Харидор» га шартнома Ғазначиликда рўйхатга олиниб 30 фоиз аванс тулови утказилгандан кейин 15 кун ичида берилиши шарт.

4.2 Шартноманинг амал килиш муддати: 2022 йил « 17 » январдан 2022 йил «31» декабргача уз кучида қолади.

### 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1 «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1 Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни уз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.1.2 «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга ҳақлидир.

5.2 «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1 Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тулашни ва амалдаги шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.2.2 «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ,махсулотни қабул килишда асосиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга ҳақлидир.

### 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1 «Сотувчи»мажбуриятлари:

6.1.1 Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2 Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш (хабарнома) олгандан сунг сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган махсулот бахосини қайтариб бериш.

6.2 «Харидор» мажбурияти

6.2.1 Махсулотни қабул килиш далолатномасини тузган ҳолда Ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибга, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2 Тегишли даражада сифатли булмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

6.2.3 Махсулотни бахосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вақтида риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва 0,4 % микдорда пеня тулайди.

7.2. «Сотувчи» махсулотни тулик етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун махсулот бахосидан 0,4 фоиз пеня тулайди.



7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф шартнома умумий суммасини 0,4 % миқдорда пеня тулайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулкни уз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» шартнома суммасини 0,4 % миқдорда жарима тулайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» уз вақтида ёки тулик туловни амалга оширмаса маблаг миқдоридан 0,4 фоиз пеня тулайди, лекин пеня миқдори туланмаган маблагни 50 % миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омборидан уз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишиувига асосан кузда тутилган булса «Харидор» хар бир утказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сакланганлигидан келиб чиққан зарарни ва шартнома суммасини 0,4 % миқдорда жарима тулайди.

7.7. Неустойка (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришда озод қилмайди.

#### 8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқоралар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, арафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

#### 9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб булмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди орқали ҳал қилинади.

#### 10. Шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик кучга эга булади.

10.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

#### 11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга булиб икки нусхада тузилган.

11.2. Ушбу шартнома ва унга киритилган барча қушимчалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилиқда рўйхатга олингандан кейин қонуний кучга қиради.

11.3. Тарафларнинг бошқа талаблари: \_\_\_\_\_

11.4. Шартномага илова: \_\_\_\_\_

#### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

| «Қувондик Севара» о/к                 | Янгибозор туман МТБ                          |
|---------------------------------------|--|
| Манзили: Янгибозор туман              | Манзили: Янгибозор шах. Фидокорлар 28        |
| Навруз МФЙ                            | Тел/факс: 41-92-632                          |
| Тел/факс: +99899-708-60-00            | ш/хр: 10002286033236703110025/019            |
| х/р: 20208000005359040001             | ИНН: 305154113                               |
| Банк: Ат Агробанк Янгибозор т филиали | ИФУТ: 84113                                  |
| МФО: 00574                            | Молия вазирлиги Ягона Ғазна ҳисоб-варағи     |
| ИНН: 308287697                        | Ғазна х/в 23 402 000 300 100 001 010         |
| ОКОНХ:                                | Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси |
|                                       | ХККМ   |
| ОКЭД                                  | МФӨ 00014. ИНН: 201122919                    |

Раҳбар

(имзо)

К. Давлатназаров


(ф.и.ш)

Раҳбар

(имзо)

С. Реймова

(ф.и.ш)



**Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Kuvondik Sevara" oilaviy korxonasi o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan**

**X U L O S A**

2022- yil 19-yanvar

Yangibozor tumani

Men Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti O.Rajapov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Kuvondik Sevara" oilaviy korxonasi o'rtasida 2022-yil 17-yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi 1-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi 1-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998-yil 29-avgustdagi Qonunining 10, 20, 21 moddalarini va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 437-456 moddalarini normalari bilan tartibga solingan.

Shartnomaning umumiy summasi jami 3.150.000 (uch million bir yuz ellik ming ) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri S.Reymova va "Kuvondik Sevara" oilaviy korxonasi rahbari K.Davlatnazarovlarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnomani imzolashda xo'jalik shartnomalarini tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi printsplariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko'rsatib o'tilgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga asosan;

**X U L O S A Q I L I N D I:**

Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Kuvondik Sevara" oilaviy korxonasi o'rtasida 2022-yil 17-yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi № 1-sonli loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi davd etilsin.

**Yangibozor tuman yuridik xizmat ko'rsatish  
Markazi bosh yuristkonsul'ti**



**O.Rajapov**